

Кириб келаётган Янги йил муборак бўлсин!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

АДОЛАТ

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA info@adolatgzt.uz www.adolatgzt.uz www.adolat.uz № 52 (1012) 2014-yil, 26-dekabr, juma

ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШ

2015 йил 4 январда ўтказилади

Сайлов

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида бўлиб ўтган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ўтказилган сайлов яқунлари кўриб чиқилди ва парламент қўйи палатасига сайлов округлари ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати конференциясида сайланган депутатлар рўйхатга олинди. 2>

КУРАШ давом этади

Матбуот анжумани

Жорий йилнинг 22 декабрь кuni Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига бўлиб ўтган сайловда партиянинг иштироки ҳамда унинг натижаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Унда сўзга чиққан партия Сийёсий Кенгаши раиси Н.Умаров таъкидлаганидек, ушбу муҳим тадбир сийёсий партияларни яна бир бор синовдан ўтказди. Барча сийёсий партиялар қатори Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам ўз устувор гоя ва қарашларини илгари суриб, очик, ошқора, тенг шароитларда сайловолди ташвиқотини олиб борди, сайлов кампанияси миллий ҳамда халқаро қонунчилик меъёрлари ва талабларига тўлиқ риоя этилган ҳолда ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига бўлиб ўтган бу йилги сайловда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг жами 5924 нафар номзоди иштирок этди. Сайловнинг дастлабки босқичи яқунларига кўра, партиядан

Дилором МАТКАРИМОВА, «Адолат» мухбири

ВАТАН – УЛУФ, бурчим муқаддас

14 январь – Ватан ҳимоячилари кuni

Тошкентда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбирларни оммавий ахборот воситаларида янада кенг ёритиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурдаги Жамоатчилик кенгашининг 2014 йилги фаолияти яқунлари ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. 8>

ҚУВОНЧИМ ЧЕКСИЗ

Фахр

Амалдаги қонунларга мувофиқ, 18 ёшга тўлган фуқаролар сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Жорий йилнинг декабрь ойида ўтказилган сайловда кўплаб тенгдошларимиз фахр ва гурур ҳисси билан илк бор қатнашди.

21 декабрь мен учун беҳад қувончли ва унутилмас кун бўлди. Чунки 18 ёшга тўлган куним сайловда фуқаролар билан тенг ҳуқуқда овоз бериш бахтига муяссар бўлдим. Ушбу кун орзу-умидларим сари чорлаб турадиган яна бир имконият менга эшик очди. Ҳаётда муҳим бўлган масалаларда мустақил фикрлаб, ўз хоҳишим билан адолатли қарор чиқаришни ўргандим, десам янгишмайман. 3>

Янги йилни янги уйда кутамиз

Ўшларга оид давлат сиёсати – амалда

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш шароитини янада яхшилашга улкан эътибор қаратилаётгани алоҳида таъкидланди.

— Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 8 сентябрдаги «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ижроси доирасида Андижон шаҳрининг Тошкент кўчасида барча шароит ва қулайликларга эга «Камолот» уйи барпо этилди, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий

Андижон шаҳрида қирқ саккиз ёш оила учун қурилган «Камолот» уйлари фойдаланишга топширилди



ҳаракати Андижон вилояти кенгаши раиси Акмалжон Жумабоев. — Бу уйлارнинг ёш оилаларга узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредити асосида берилгани ёшлар қалбида эртанги кунга ишонч туйғусини мустаҳкамлаш билан бирга, уларнинг ота-оналари, яқинла-

ри, бутун халқимизни ҳам беҳад мамнун этмоқда.

— Янги йилни янги уйда кутиб олаётганимиздан қувончимиз чексиз, — дейди Жалақудук туманидаги 17-давлат ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори

Рушана Рустамова. — Навқирон авлоднинг замонавий билим олиши, касб-хунар ўрганиши, спорт билан шугулланиши, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариши учун кенг имкониятлар яратиш билан бирга, ёш оилаларнинг турмуш шароитини янада яхши-

лашга доимий эътибор қаратиб келаётган Юртбошимиздан миннатдоримиз.

Тадбирда Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдураҳмонов сўзга чиқди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎЗА мухбири



ДАСТУР ИЖРОСИДА

партиямиз фаол иштирок этди

Сарҳисоб

2014 йил яқунлинишига оз муддат қолди. Ўтган давр мобайнида «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ҳар бир давлат, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ҳиссаси катта бўлди. Зеро, фарзандларимизни соғлом ва ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг бахту камолни кўриш ҳар биримизнинг устувор мақсадимиздир.

Жамиятимизнинг ҳар бир ёш вакилини ҳам маънан, ҳам жисмонан соғломлаштиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилиши халқаро ҳамжамият томонидан юксак даражада эътироф этилмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган «Соғлом бола йили» Давлат дастури БМТ томонидан расмий ҳужжат сифатида тарқатилгани фикримизнинг яққол исботидир. 2>

Маҳфуза МУРОДБЕКОВА:

“Ташаббускорлик ва фидойилик —

халқчил гояларни илгари сураётган сийёсий куч сафидаги аёлларнинг фаоллигини оширмоқда”

Нигоҳ

Юртимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-сийёсий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини кучайтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада фаол иш олиб бораётган Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси аъзоларининг кўпчилигини бугунги кунда хотин-қизлар ташкил этмоқда. «Адолат» СДП аёллари жамиятнинг фаол бўғинига айланиб бораётган сийёсий кучнинг халқчил гояларини қўллаб-қувватлаб, нафақат партиявий ишларда, балки ҳаётнинг турли соҳаларида ҳам ташаббускорлик ва фидойилик кўрсатишмоқда. «Адолат» СДПнинг мустаҳкам таянчи, сийёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиларига айланиб боришмоқда. Тошкент давлат техника университети қошидаги Чилонзор академик лицейи директори, Ўзбекистон «Адолат» СДП фаоли Маҳфуза Муродбекова ана шундай партиядошларимиздан бири. Биз у билан хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни, партиямизнинг аёлларга оид дастурий вазифалари қай даражада бажарилгани, сафдош аёллар ташаббуслари ва эришилган ютуқлар хусусида суҳбатлашдик. 3>



ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШ 2015 йил 4 январда ўтказилади

Давоми. Боши 1-бетда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов бўйича тузилган 135 сайлов округининг 127 тасида депутатлик мандати учун 4 нафардан номзод, 8 округда 3 нафардан номзод кураш олиб борди.

Мамлакатимиз бўйича сайловчилар рўйхатида киритилган 20 миллион 789 минг 572 нафар сайловчининг 18 миллион 490 минг 245 нафари ёки 88,94 фоизи сайловда қатнашди.

Овоз бериш натижаларига кўра, 113 сайлов округида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайланди. Уларнинг 47 нафари Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, 28 нафари Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, 21 нафари Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан ва 17 нафари Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан сайланди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг 21 декабрь куни бўлиб ўтган конференциясида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 15 депутат сайланди.

Сайланган депутатлар орасида ҳуқуқшунослар 33, иқтисодиёт соҳаси вакиллари 31, таълим соҳаси вакиллари 26, ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари 21, соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари 7, жамоат ташкилотлари вакиллари 3 ва бошқа соҳа вакиллари 7 кишини ташкил этди.

Депутатларнинг 6 нафарини 29 ёшга бўлганлар ташкил этса, 39 нафари 30-39 ёш, 44 нафари 40-49 ёш, 39 нафари 50 ва ундан катта ёшдагилардир. 43 депутат илмий даражага, жумладан, 6 депутат магистр, 29 депутат фан номзоди ва 8 депутат фан доктори илмий даражасига эга.

Депутатлар таркибиде ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ, корейс миллати вакиллари бор.

Сайланган 128 депутатнинг 21 нафари хотин-қизлардир. Сайланганларнинг 38 нафари аввалги қаҳирчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича 22 сайлов округида номзодларнинг бирортаси ҳам сайланиш учун зарур бўлган овозни тўплай олмагани муносабати билан Марказий сайлов комиссияси 2015 йил 4 январь куни такрорий овоз беришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ушбу дастурга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрида битта, Наманган, Тошкент вилоятларида иккита, Фарғона вилоятида учта, Сурхондарё вилоятида бешта сайлов округида такрорий овоз бериш ўтказилади.

Сайлов қонунчилиги биноан 22 сайлов округининг ҳар бирида асосий сайловда депутатликка энг кўп овоз олган икки номзодга такрорий овоз берилади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан 15, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 11, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 9, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан 9 номзодга такрорий овоз берилади.

Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг бошқа номзодга нисбатан кўп овозини олган номзод депутатликка сайланган деб ҳисобланади.

Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-

си Қонунчилик палатасига сайланган депутатларни рўйхатга олиш тўғрисидаги ва такрорий овоз бериш тўғрисидаги қарорлари матбуотда эълон қилинади.

Шу куни 2014 йилги сайловни ёритиш бўйича республика мутбоқ марказида мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов натижаларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари С.Ортиқова Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайлов миллий сайлов қонунчилиги талаблари, очкилик, ошқоралик ва муқобиллик каби демократик принципларга тўла мос равишда ўтказилганини таъкидлади.

Сайловни 5 халқаро ташкилот — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти миссиялари кузатувчилари кузатиб борди. Сайловни кузатишда жами 340 нафардан зиёд халқаро кузатувчи иштирок этди.

Бундан ташқари, сайловда ҳар бир сиёсий партиядан кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Шу тариқа сайловнинг очик ва ошқоралиги таъминланди.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси мажлисида кўриб чиқилган масалалар бўйича батафсил ахборот берилди.

Сардор **ТОҶИЕВ**,
ЎзА муҳбири

Давлат рамзлари Ватанимиз суверенитети, халқимизнинг орзу-истаклари, эзгу интилишлари ва порлоқ келажаги тимсолларидир. Уларни ҳурмат қилиш ҳамда қонунга мувофиқ ўз ўрнида фойдаланиш зарур.

2010 йил 24 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунга кўра Ўзбекистоннинг давлат байроғи ва герби давлат органлари ва ташкилотларининг бинолари, мажлислар заллари, хизмат хоналари, жамоат жойлари, хорижий давлатларнинг расмий делегациялари ташқи муносабати билан, Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий тузилмаларида кўтарилиши ва жойлаштирилиши белгиланган. Давлат байроғи ва герби элементларидан нодавлат ташкилотлар ҳужжатларининг рекузитлари ёки реклама материалларида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Худди шу каби давлатнинг расмий номидан фойдаланишнинг ҳам ўзига хос ҳуқуқий асослари мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 46-моддасида юридик шахсининг номига тўла ёки қисқартирилган расмий номи (давлатнинг номи) киритишга, юридик шахс ҳужжатларининг рекузитларига ёки реклама материалларига ана шундай номи ёхуд давлат рамзлари элементларини қўйишга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

ДАВЛАТ НОМИДАН Фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари

Маҳкамаси белгилайдиган тартибда йўл қўйилади.

Пойтахтимизда юридик шахсларнинг номлари ва рамзларидан давлатнинг расмий номидан фойдаланишга оид тартиб-қоидаларга бағишланган семинарда шулар ҳақида фикр юритилди. Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда ҳуқуқшунослар, тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда юридик шахсларнинг номларини тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилган таъкидланди. Бу борада давлат томонидан зарур чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 октябрдаги "Юридик шахсларнинг номлари ва рамзларидан давлатнинг расмий номидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Мақсуд қарорда "Ўзбекистон Республикаси" ва "Ўзбекистон" номларидан, шунингдек, улардан ҳосила сўзлардан ўз номлари ва рамзларида фойдаланиш ҳуқуқига эга юридик шахслар белгиланган. Булар тоғрисида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари мувофиқ ташкил этиладиган ёки фаолиятини ташкил этиш амалга ошириладиган юридик

шахслар қиради. Шунингдек, давлат органлари ва республика аҳамиятига молик ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган давлат унитар корхоналари ва давлат муассасалари, устав фондида бош ташкилотнинг тўлиқ номи кўрсатилмаган уларнинг алоҳида бўлинмалари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этилган мурожаатлари асосида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳам бу ҳуқуқдан фойдаланади.

Қарор талабларини амалда таъминлаш мақсадида Юридик шахсларнинг номига давлатнинг расмий номи, шунингдек, ундан ҳосила сўзларни қўйиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома ишлаб чиқилди. Унда давлатнинг расмий номи, шунингдек, ундан ҳосила сўзларни қўйиш бўйича давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг адлия органларига мурожаат этиши тартиби ва муддатлари белгиланди.

Тадбирда мазкур қарор мазмун-моҳияти, йўриқномадан фойдаланиш тартиби бўйича батафсил тушунтириш берилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА муҳбири

Дастур ижросида партиямиз фаол иштирок этди

Давоми. Боши 1-бетда

Дастур асосида амалга оширилган ишларга тўхталар эканмиз, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ёдга оламиз.

Таъкидлаш жоиз, "Соғлом бола йили" Давлат дастури мақсад ва вазифаларининг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси асосида амалга оширилган ташаббуслар алоҳида аҳамиятга эга. Жумладан, Давлат дастури асосида ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини, фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, болаларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишга қаратилган "Соғлом оила — мустаҳкам жамият — барқарор мамлакат", "Ёруғ келажак ва соғлом авлод йўлида ижтимоий ҳамкорлик", "Тиббий профилактика — репродуктив саломатлик — соғлом бола", "Ёш авлодсиз келажак йўқ", "Бола қувончи — олам қувончи" каби бир қатор лойиҳалар амалга оширилди.

Ушбу лойиҳалар доирасида 100 дан ортиқ акциялар, давра суҳбатлари, ҳамкорликда тиббий кўриқлар ташкиллаштирилиб, уларга 24 мингга яқин иштирокчилар жалб қилинди. Шунингдек, турли спорт мусобақалари, марофлар, акциялар, кўргазмалар ташкил этилганини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

— Қорақалпоғистон Республикаси партия кенгаши ташаббуси билан "Бола қувончи — олам қувончи" лойиҳаси доирасида ўндан ортиқ турли хил

тадбирлар ташкиллаштирилиб, уларда жами мингга яқин иштирокчи қатнашишига эришилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси партия кенгаши раиси ўринбосари Ривож Отарбаев. — Хусусан, Белбоғли кураш федерацияси билан ҳамкорликда Нукус шаҳридаги ўсмирлар ўртасида ташкиллаштирилган мусобақа, шунингдек, мазкур шаҳардаги 10-сонли кўзи оқиз ва заиф кўрувчи болалар махсус мактаб-интернати тарбияланувчилари турар жойига қўйиб бериш режаси ўрнатилгани кенг жамоатчиликнинг ёдида қолгани аниқ.

"Тиббий профилактика — репродуктив саломатлик — соғлом бола" лойиҳаси доирасида Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг Андижон тиббиёт институти билан ҳамкорлик меморандумлари тузилди, шунингдек, Қўрғонтепа, Булоқбоши тумани, Қорасув шаҳри аҳолиси учун чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказилди.

Худди шундай лойиҳани ҳаётга таъбиқ этиш учун Бухоро вилояти партия ташкилоти ўз фаолиятини "Соғлом бола йили" Давлат дастурини амалга ошириш устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш билан бевосита боғлади.

— Ҳамкор ташкилотлар билан тузилган ишчи гуруҳ ёрдамида Жондор ва Ромитан туманларидаги барча мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида болаларга кўрсатилмаётган тиббий хизматлар масаласи ўрганиб чиқилди. Мавжуд камчиликлар умумлаштирилиб, халқ депутатлари Жондор ва Ромитан туман Кенгашлари сессияларига масалалар киритилди, — дейди вилоят партия кенгаши матбуот котиби Обид Зиёдуллоев. — Ба-жарилган ишларга бағишланган тахлийий мақола, хабарлар "Хабарчи" вилоят газета-



си ва "Бухоро дилбери" газеталарида чоп этилди. Шунингдек, Пешку туманидаги 18 та ҚВПларда аёлларни чуқур тиббий кўриқдан ўтказиш, уларнинг соғлигини сақлаш масалалари бўйича давлат томонидан берилмаётган бепул гинеколог кўрув ойналари, контрацепция воситалари, хомилалар аёллар учун тарқатиладиган "Витрум" витаминларини аҳолига етказиш аҳоли ўрганилди. Аниқланган камчиликлар юзасидан халқ депутатлари Пешку туман Кенгашининг 45-сессиясига масала киритилди.

Жиззах вилоятида "Ёш авлодсиз келажак йўқ" лойиҳаси доирасида Жиззах шаҳар 1-сонли болалар мусофа ва санъат мактаби ўқувчилари ҳамда 29-сонли Меҳрибонлик ўйи тарбияланувчилари иштирокида расмлар кўргазмаси ташкиллаштирилди. Унда 60 нафар

болалар ўз ижод намуналари билан қатнашишди. Фолиб ва совриндорлар партиянинг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Мирзачўл тумани партия кенгаши ташаббуси билан "Биз мустақиллик ёшларимиз — иллатларга қаршимиз" мавзусида давра суҳбати ташкиллаштирилди. Тадбирда ёшлар ўртасида турли иллатларнинг олдини олиш, ОИТС ва ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш ва олдини олиш, соғлом, барқарор ва обод оила гарови бўлган репродуктив саломатлиқни муҳофаза қилиш, шунингдек, глобаллашув жараёнлари юзига келган ҳозирги ахборот асрида оммавий маданият деб аталган салбий иллатларга қарши иммунитетни шакллантириш тўғрисидаги мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларини ўзида акс эттирган видеоролик

кўрсатилган ва буклетлар тарқатилган.

Бундай мисолларни яна узоқ давом эттириш мумкин. Умуман олганда, республика-мизнинг барча вилоят ва туманларидаги партия ташкилотлари ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбатлари, тиббий кўрик ва фестивалларнинг аксарияти марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хулоса ўрнида айтиш зарур, партия миллатнинг бугунги куни ва келажакга дахлдор ҳар бир дастурий ижросида фаол иштирок этишни асосий мақсади, деб ҳисоблайди. Иштирокчи ҳам бу борадаги фаолиятни самарали йўлга қўйиш — ҳар бир сафдошимизнинг зиммасидаги вазифадир.

Саодат **ЖАББОРОВА**,
«Adolat» муҳбири

Тиббиёт Тошкент — ҳақон цивилизациясига бекиёс хисса кўшаётган, улкан туристик салоҳиятга эга, гўзал пойтахт шаҳар. Йилдан-йилга чирой очиб бораётган шаҳарнинг аҳоли сони ҳам, шаҳарга ташриф буюрувчиларнинг сафи ҳам ортаётганлиги ҳудудда инсон саломатлигини сақлашдек вазифани амалга ошираётган тиббиёт ходимларининг масъулиятини янада қучайтиради.

Инсон саломатлиги — энг катта бойлик

Шу боис, кейинги йилларда пойтахтимизнинг соғлиқни сақлаш тизимини тубдан яхшилаш, тиббий муассасаларни зарур моддий-техник база билан таъминлаш, уларда халқаро андозалар асосида қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш, кадрлар салоҳиятини, энг муҳими, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш борасидаги кенг қамровли ислохотлар амалда ўз ифодасини топмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан ўтказилган матбуот анжуманида ҳам айнан бу борада эришилган ютуқлар, натижалар ҳақида сўз борди.

Таъкидланганидек, Тошкент шаҳрида аҳолига 184 та тиббиёт муассасасида хизмат кўрсатилаётган бўлиб, тегишли давлат дастурлари, лойиҳалар доирасида касалиқни эрта аниқлаш ва даволашга хизмат қилувчи замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминланмоқда, фуқароларнинг тиббий маданиятини юксалтириш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишлари қучайтирилмоқда.

— "Соғлом бола йили"да Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тизимида аҳолининг катта қисми тиббий кўриқдан ўтказилди, — деди бош бошқарма бошлиғи Бахтиёр Мамажонов. — Бунинг учун шаҳардаги барча, яъни 60 та оилавий поликлиника "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида замонавий тиббиёт мосламалари билан жиҳозланди. Шунингдек, йил мобайнида 6 та тиббиёт муассасасида жами 25 миллиард сўмлик реконструкция ишлари олиб борилди ҳамда давлат дастури доирасида 150 га яқин умумий амалиёт шифокорларининг малакаси оширилди.

Кизгин савол ва жавобларга бой бўлган матбуот анжуманида шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тизимидаги муассасаларда кўрсатилаётган тиббий хизмат борасида аҳоли томонидан эътирозлар туғилган тақдирда 233-65-71 ва 233-66-67 ишонч телефон рақамларига мурожаат қилишлари мумкинлиги қайд этилди.

Ўз муҳбиримиз

Маҳфуза МУРОДБЕКОВА:

"Ташаббускорлик ва фидойилик —

халқчил ғояларни илгар сурётган сиёсий куч сафидаги аёлларнинг фаоллигини оширмақда"

Давоми. Бош 1-бетда

— Аёл қадрини улуғлаш халқимизнинг бебаҳо фазилатидир. Бугун юртимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, манфаатларини ҳимоя қилиш устувор вазифаларнинг бирига айланган. Бу борада яратилган ҳуқуқий асослар ҳаммамиз учун азиз ва муҳтарам тобора бўлган аёлларнинг обрў-эътиборини оширишга, ҳаётдан ўзининг муносиб ўрнини топишига хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда юзага келган мустақкам қонунчилик базаси бунга қулай шароит яратяпти.

— Тўғри айтасиз. Аёл зотини бежиз Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси, дейишмайди. Аёл билан олам мунавар, кўнгиллар обод, диллар шод. Қолаверса, ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аввало аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Шундай экан, аёллари қадрланаётган юртимизда хотин-қизларга кенг имкониятлар яратиб берилаётганлигининг ўзиёқ маданий даражамиз ва маънавий баркамоллигимиз тобора юксалиб бораётганлигини кўрсатиб турибди.

Мамлакатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, "Зулфия номидаги давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикасининг "Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида"ги қонуни, Оила кодекси ва бошқа бир қатор муҳим ҳужжатлар аёл қадрини улуғлаш ва мавқеини оширишга беқийс ҳуқуқий асос яратмоқда. Айниқса, Конституцияимизнинг 46-моддасида аёллар билан эркекларнинг тенг ҳуқуқлиги мустақкамлаб қўйилганлиги, сайловга оид қонунга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва барча

даражадаги вакиллик органларига сиёсий партиялар томонидан кўрсатиладиган номзодларнинг 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши тўғрисидаги норманинг киритилганлиги, амалдаги қонунларга мувофиқ Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раисига Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси раисига Вазирилар Кенгаши раиси ўринбосари, Тошкент шаҳар, вилоятлар, туман ва шаҳар хотин-қизлар кўмиталари раисларига ҳоким ўринбосари мақомининг берилганлиги, маҳалла фуқаролар йиғинларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимининг жорий этилиб, бу масъулиятли вазифани аёллар бажараётганлиги замирида ҳам юртимиз хотин-қизларига бўлган ҳурмат-эҳтиром ва ғамхўрликлар мужассам. Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида биринчилардан бўлиб БМТнинг Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенциясига қўшилди. Ушбу конвенция асосида 1995 йили Пекин шаҳрида "Тинчлик, тараққиёт ва тенглик" шиори остида Бутунжаҳон хотин-қизларининг IV конференцияси бўлиб ўтди. Мазкур анжуманда юртимиз хотин-қизлари ҳам иштирок этишди. Унда хотин-қизларга тааллуқли Пекин декларацияси қабул қилинди.

— **Яқунда бораётган йилда партиянинг хотин-қизлар масаласида амалга оширган ишлари ҳақида гапириб берсангиз?**

— Ўзбекистон "Адолат" СДП жамиятимиз хотин-қизларини мамлакатимизнинг бугунги кун ва истиқболдаги ривожига жиддий ва реал, қолаверса, ҳал қилувчи аҳамиятга молик бўлган салоҳиятли кучлардан бири, деб ҳисоблайди ва улар ҳуқуқ ва манфаатларини доимо қўллаб-қувватлайди. Жамиятда хотин-қизларнинг роли ва мақомини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва ман-



фаатларини таъминлаш партиянинг устувор вазифаларидан бирига айланган. Хотин-қизларга тааллуқли қонунчиликни янада такомиллаштириш, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг барча жабҳаларига жалб этиш, чўқур билим ва касб маҳоратига эга хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар яратишдек мақсадларни ўз олдига қўйган Ўзбекистон "Адолат" СДП бу борада муҳим ишларни амалга оширди. Ўз сафидаги хотин-қизларнинг жамиятда демократлаштириш, амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатлари ижросида беvosита иштирок этишини таъминлаш, аёлларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш борасидаги долзарб вазифалар партия фаолиятида муҳим аҳамият касб этди. Айниқса, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сайловдаги дастуридан белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, аёллар орасида партия

ғояларини кенг тарғиб этиш, уларнинг ҳар қандай ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, лойиҳаларига қанот бағишлаш борасидаги ишлар хотин-қизларда "Адолат" СДПга нисбатан кучли қизиқиш ва катта иштиёқ уйғотди. Зеро, аёллар масаласи доимо ўзининг долзарблиги билан партиянинг эътиборида бўлиб келмоқда. Чўнки жамиятнинг бугунги ривожини, юртимиз тараққиёти ва истиқболи беvosита аёлларга ҳам боғлиқ. Ахир аёлнинг меҳру муҳаббати ила оила чароғон бўлади. Фарзанд дунё юзини кўради, Ватанини танийди, унга муносиб инсон бўлиб етишади. Шундай экан, аёлларнинг обрў-эътибори қанчалик кучайса, мавқеи ошса, ундан бутун жамият, табиийки, аёллар масаласини устувор йўналишга айлантирган сиёсий куч катта наф кўради.

Давлат аҳамиятига молик қатор дастурларни ҳаётга татбиқ этишда аёлларнинг фаол иштирокидан унумли фойдаланиб келаётган "Адо-

лат" СДП хотин-қизларга тааллуқли ўнлаб акция, лойиҳа ва ташаббусларнинг ижодкорига айланди. Хусусан, Андижон ва Бухоро вилоятлари мактабгача таълим муассасаларида тиббий ёрдам сифатини оширишга қаратилган "Соғлиқни сақлаш — сифат ва фойдаланиш имконияти кафолатлари йўналиши"га оид "Шаҳар ва қишлоқда бир хил шароит" лойиҳаси янги авлод камолотида янгиқа ёндашувни юзага келтирди. Бунинг натижасида давлат дастурига мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида болаларга биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича тиббий бурчаклар ташкил этиш борасида таклифлар киритилди. Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, жумладан, одам савдосининг олдини олиш, республика ташқарисида узоқ муддат бўлиб қайтган хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, уларга тиббий-психологик ёрдамни ташкиллаштириш бўйича Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликдаги кўшма лойиҳалар самарасиз кетмади. Партия Сиёсий Кенгашининг Марказий банк билан ҳамкорликда кейинги икки йил давомида ўтказиб келаётган лойиҳаси эса хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва маиший шароитларини яхшилашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур лойиҳага мувофиқ Андижон, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Навоий вилоятларидаги 400 нафар сафдош, фаол хотин-қизлар Марказий банкнинг умумий қиймати 8,5 миллиард сўмга яқин имтиёзли кредитларини олиш учун сертификатларини қўлга киритиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлади. Партиянинг бошқа лойиҳалари ҳам хотин-қизларни замон билан ҳамнафас бўлишга руҳлантириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

— **Партия тадбирлари, тарғибот-ташвиқот ишлари партиявий фаолиятни кучайтирувчи воситадир. Улар қанчалик таъсирчан ва долзарб бўлганлиги**

роқчилар эътиборини ўзига шунчалик тез тарта олади. Сиёсий кучга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотади, шундайми?

— Тўғри айтдингиз, бу йил партия Сиёсий Кенгаши аёллар масаласи билан боғлиқ қўллаб-қувватлаш бўлиб келди. Айниқса, "Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш — обод ва фаровон турмушни таъминлашнинг муҳим омили" мавзусидаги илмий-амалий конференция, "Жамият тараққиётида Ўзбекистон "Адолат" СДП аёлларининг роли ва иштироки ҳамда хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига оид истиқболдаги вазифалар", "Фаол аёллар партиянинг таянчи ва мададкори" мавзусидаги бир-бирдан қизиқарли ва таъсирчан давра суҳбатлари сафдош аёллар фаолиятида жиддий ўзгаришларни юзага келтирди. Шунингдек, "Маҳалла фаровонлигини таъминлашда хотин-қизлар нодавлат ношароит ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш масалалари", "Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришда ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлашнинг муҳим аҳамияти", "Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва уларнинг давлат қурилишидаги иштирокини кенгайтириш фуқаролик жамияти тараққиётининг муҳим омили", "Репродуктив саломатлиқни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш — соғлом жамият кафолати", "Соғлом бола — соғлом она — соғлом жамият" мавзусларида ўтказилган семинар ва тренинглари, очик мулоқот ҳамда учрашувлар партияимизнинг аёлларга бўлган эътиборини ўзига намоён этмоқда. Бундай кенг қўламли ишлар сафдош хотин-қизлар ҳаётида ўзгаришлар ясаб билан биргаликда уларнинг жамиятдан муносиб ўрнларини топишига ҳам кўмаклашмоқда.

Суҳбатдош: **Рустомжон АҲМАДАЛИЕВ**, "Адолат" муҳбири

Бу менинг танловим, менинг партиям!

ҚУВОНЧИМ чексиз

ҲАММАСЛАК спортчи ёшлар

Давоми. Бош 1-бетда

Давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига ўз вакилимизни сайлаш, шу орқали республикамизда кечаётган туб ислохотлар ва янгиланишларга муносабатимизни билдириш, мақбул номзодларни танлаб овоз бериш биз каби ёшларга катта масъулият юклаганини дилдан ҳис қилдик. Шу боис сиёсий партиялар, номзодларнинг сайловдаги дастурлари, уларнинг мақсад ва ғоялари, илгари сурган таклифларини ўрганар эканман, айниқса, "Адолат" СДПнинг ғоялари юртимиз раънақига, шу билан бирга, биз ёшларнинг бугуни ва келажаги учун нақадар аҳамиятли эканини англадим. Тарғибот тадбирларида фаол қатнашганлигимнинг ижобий натижасини Урганч шаҳридаги 28-сайлов участкасида ўзим танлаган номзодларга овоз берганимда англадим.

Яна бир нарсани айтишим жоиз. Сайловдаги тарғибот-ташвиқот тадбирлари, ўз навбатида, келгусида қайси партияга аъзо бўлишим ҳақидаги саволга ҳам жавоб топишимга ёрдам берди. Ҳозирда ўзим танлаган сиёсий куч — "Адолат" СДПнинг аъзолик билети эга бўлдим. Партияимиз вилоят кенгашининг фаоллари иқтидорли ёшларга эътибор беришга тегна менга янада ишонч ва ғайрат бағишляпти. Келгусида етук ҳуқуқшунос бўлишим мақсад қилганман. Шу боис вақтдан унумли фойдаланиб, ушбу йўналишда билимларимни оширишга жиддий интиляяман. Бўлажак ҳуқуқшунос сифатида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда ўзим аъзо бўлган



партиянинг дастур ва ғояларини тарғиб қилиб, сафларимизни тобора кенгайтиришда фаол бўламан, албатта. Шу орқали азиз Ватанамизни раънақ учун ўз ҳиссамни қўшиш орзусида ўқиб-изланмоқдаман. Барча орзу-мақсадларим

йўлида адолат ғоялари менга доим ҳамроҳ ва чин маслаҳат бўлишига ишонаман.

Учқун САПАРБАЕВ, ТАТУ Урганч филиали қошдаги 1-сон академик лицейи 3-босқич ўқувчиси

ИЛК БОР овоз бердим

Республикамизда ўтказилган навбатдаги сайлов фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётганини ёрқин намоён қилди.

Ҳар бир сайловчи бу муҳим сиёсий тадбирга жиддий эътибор билан қарагани, овоз беришда энг муносиб номзодларни танлагани қувонарлидир. Андижон вилоятидаги 19-Хартум сайлов округида ҳам ушқоқлик, фаоллик ва сайловга қизгин тайёргарлик кўрилгани яққол кўзга ташланди. Мавжуд 58 та сайлов участкасининг ҳар бири байрамона қиёфага киргани ва комиссия аъзоларининг ўз вазифасига масъулият билан ёндашиб, иш олиб боргани сайловчилар кайфиятини янада кўтарди. Айниқса, сайловда илк бор иштирок этаётган ёш йигит-қизларнинг хурсандлиги уларнинг қувонч порлаб турган юз-қўзларида яққол акс этди.

— Бу йил биринчи бор сайловда қатнашиб, сайловчилар сафида овоз бердим. Номзодларнинг сайловдаги дастурлари билан танишганимда уларнинг ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратгани мени янада руҳлантирди, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоси, Андижон туманидаги Харабек қишлоғида яшовчи Мадинахон Патихидинова. — Менинг овозим ҳам жамиятимиз ривожига ҳисса қўшувчи халқ вакилларини танлашда ҳисобга олинишидан бахтиёрман.

Ўз муҳбиримиз

Ёшлиқни умрнинг тонги-ю, баҳор фаслига менгаймиш. Чўнки инсон ёшлиқдаги бегўбор тасаввурда фақат мусоффоликни кўради, дил яхшилиги, эзгуликни истайди. Кўннинг мазмуни тонгни қандай орзу-ўйларда қарши олганимизга, умримизнинг қиммати эса ёшлиқдаги ҳаракатимизга боғлиқ экани аён.



Инсон манфаатларини энг олий

Шўрчи енгил саноат касб-хунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси Сурайё Менгнорова ёшлиқнинг олтинга тенг лаҳзаларини юксак қадрлаган шижоатли ёшлардан биридир. У юртимизда ёшлар спортини ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар қалбидаги орзу-мақсадлари рўёбга чиқиши учун беқийс имкон эканини чуқур англаб, ютуқлар сари қатъий интилиди ва спортда ажойиб натижаларни қўлга киритди. Икки йилдан бўён шарқ яққа қурашининг "Тазквандо-вф" тури билан мунтазам равишда шугулланиб келаётган

Сурайё Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлган. Жорий йилда Наманганда бўлиб ўтган "Баркамол авлод" спорт мусобақаларида муваффақиятли қатнашган Сурайё фахрли иккинчи погонани эгаллаб, кумуш медалга сазовор бўлди.

Инсон илм-маърифати билан элга наф келтириб, юрт ривожига муносиб ҳисса қўшади. Аслида спорт ҳам машаққатли довлонлардан ўтишни талаб этадиган, инсоннинг чидам ва бардошини минг бир синовдан ўтказиб, уни жисмоний ва

маънавий комилликка етказувчи омилдир.

Ана шундай синовларга бой ва ибратли йўлни танлаган Сурайё Менгнорова халқаро спорт майдонларида ҳам мамлакатимиз байрогини баланд кўтарган ёш спортчилар сафидан ўрин олган. Хусусан, 2014 йилнинг март ойида Россия Федерациясининг Калининград шаҳрида бўлиб ўтган мусобақада иштирок этиб, кумуш медал соҳибига айланди.

— Мен шундай улуг юртининг бахтиёр фарзанди эканимдан фахрланаман, оталарча ғамхўр, биз ёш авлод учун барча имкониятларни яратиб бераётган Президентимизнинг ишончини оқлаш масъулиятли бурчимиздир, — дейди биз билан суҳбатда Сурайё Менгнорова. — Бизнинг мамлакатимизда ўз олдига эзгу мақсад қўйиб, астойдил интилган ҳар бир ёшнинг орзулари ушалиши учун барча эшиклар очик. Ўзимдан мисол қилиб айтадиган бўлсам, 17 ёшда Ўзбекистон чемпиони деган номга сазовор бўлдим.

Мен англаб етган ҳаётий ҳақиқат шунки, инсонни юксак мақомларга кўтарган туйғулар, фазилатлар кўп. Шулар орасида юрт меҳри, умид ва ишонч алоҳида ажралиб туради. Чўнки мана шу беқийс туйғулар фақат ва фақат олға интилиб яшашга ундайди. Навқирон қалбимда жўш ураётган шу қалиб туйғулар боис бор имкониятимни ишга солган ҳолда мамлакатимиз шарафини улуғлаб, Ватанимиз байрогини бундан-да юксакларга кўтаришга доим интиламан.

Сурайёнинг орзулари кўп, у Ўзбекистон "Адолат"

СДПнинг ёш фаолларидан бири, мамлакатимизда кечаётган сиёсий, ижтимоий жараёнларда ҳам фаол иштирок этишни мақсад қилган.

— 18 ёшга тўлдим, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгаман. Шу мақсадда сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари билан танишиб чиқдим. Менинг орзу-мақсадларим "Адолат" СДПнинг дастурий мақсадларига уйғун экан, шунинг учун ушбу партияни танладим. Ва тўғриси айтишим керак, ўтган қисқа вақт ичида тўғри қарор қабул қилганимни англаб етдим, — дейди партияимиз аъзоси Сурайё Менгнорова.

Чиндан ҳам бугун она диёримизда Сурайё сингари ёшлар учун барча имкониятлар муҳайи. Сурхондарё вилояти аҳолисининг 1 миллион 467 мингдан зиёди, яъни 63 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Воҳада жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланаётган ёшлар сони 489 минг 385 нафарни ташкил этади, 2013 йил ўтказилган халқаро ва Осиё миқёсидаги мусобақаларда 35 нафар, республика мусобақаларида эса 460 нафар ёшлар ғолибликни қўлга киритган. Яратиб берилган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда, нури манзиллар сари интилаётган Сурайё Менгнорова сингари фидойи, ватанпарвар ва илгор қарашларга эга бўлган ёшларнинг биз билан ҳаммаслақ экани қўллаб-қувватлашга ибрат бўлмоқда.

Мақсуд ТўРАЕВ, Ўзбекистон "Адолат" СДП Сурхондарё вилояти кенгаши матбуот хотиби

Ҳудудий партия ташкилотларида

СИЁСИЙ КУЧНИНГ таянч нуқталари

➤ БПТлар фаолиятдан

Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро вилояти кенгаши томонидан партиянинг таянч нуқталари ҳисобланган бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада яхшилаш, намунали куйи бўғинлар тажрибаларини кенг ёйиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.



2009-2014 йиллар давомида партиянинг туман ва шаҳар кенгашларида БПТ раислари учун мунтазам равишда ўқув-семинарлар ўтказилиб, улар учун тайёрланган зарур қўлланмалар тарқатилди. БПТлар фаолиятини таҳлил қиладиган бўлса, йилдан-йилга ижобий натижалар ортаётгани кузатилади. Айниқса, талабчанлик руҳида ишлаётган Жондор, Вобкент, Ромитан, Шофиркон туманларидаги куйи ташкилотларда партиямиз сафини малакали кадрлар билан кенгайтириш, тарғибот тадбирларининг таъсирчанлигини оширишда ибратли тажрибалар тўпланган.

Жумладан, Жондор туман стоматология поликлиникасида ташкил этилган БПТ ўзида партиянинг 30 дан зиёд аъзоларини бирлаштирган бўлиб, ташкилотга ёш шифокор Раҳим Ҳамроев раҳбарлик қилмоқда. Моҳира Хамидова, Гулчеҳра Асадова ҳамда Шерзод Ҳожиёв каби партия фаоллари Жондор туман кенгаши билан ҳамжihatлиқда ушбу поликлиника жойлашган ҳудудда истиқомат қилувчи фуқароларни ўйлантираётган мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларга ечим топишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Етакчи ва фаоллар йиллик режа асосида аҳоли билан яқиндан учрашиб, жонли мулоқотлар ташкил этишга эътибор берилган. Кенгаши раиси Акбар Солиев: "Соглом бола йилида туманимиздаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, туман тиббиёт бирлашмалари ва ФХДЭ бўлими билан ҳамкорликда "Соғлом оила — жамият таянчи", "Қизлар турмушга тайёрми?", "Тиббий маданият — саломатлик омили" каби бир қатор мавзуларда жойларда давра суҳбатлари ўтказиш мунтазам йўлга қўйилди. Отаналар ва ёшлар иштирок этган бундай тадбирларда эрта турмуш қуриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш ва бола соғлиғи, фарзандларнинг эртанги тақдирини учун нақадар аҳамиятли эканлиги тушутирилди.

Шу билан бирга, ўз фаолиятимизни танқидий ўрганиш масаласи ҳам муҳим. Таҳлиллардан келиб чиқиб, Ғиждувон, Когон, Бухоро туманларидаги айрим БПТларда сиёсий маърифат тизимидаги ишларни кенгайтириш, фаолларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш каби масалаларга янада жиддийроқ қараш ҳақида кўрсатмалар берилди.

Вилоят партия кенгаши томонидан 2014 йил давомида туман ва шаҳарлар кесимида

азалий кадрларимизга хос эзгу ва савобли ишларни амалга ошириб келишмоқда.

— БПТларнинг чинакам таянч эканлиги, айниқса, сайлов кампаниясида янада яққол намоён бўлганлиги билан бирга, партиямиз илгари сураётган ғояларга аҳолининг қизиқиши ва ишончи тобора ортаётганида акс этмоқда, — дейди мазкур куйи ташкилот раиси Раҳим Ҳамроев. — Бу эса таянч бўғинларнинг сайловлар ораллиғида олиб борган фаолиятига ҳам узвий боғлиқлигини яна бир бор чуқур ҳис қилдик.

Биз ҳудудда яшаётган аҳолининг турмуш шароити, айниқса, ёшлар ҳаётидан доимий хабардор бўлишга интиламиз. Коллеж битирувчиларидан 17 нафари тумандаги корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилди. Дилафруз Ҳусенова, Гулрух Самандарова, Шерзод Ҳожиёв, Раҳим Шаропов каби ёш маслакдошларимиз бу хайрли сазой-ҳаракатларда ташкилотчилик намуналарини кўрсатишмоқда.

— Куйи ташкилотлар аъзолари билан ишлашда партиямиз сафларини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратаёلمиз, — дейди Ўзбекистон "Адолат" СДП Жондор туман кенгаши раиси Акбар Солиев. — Соглом бола йилида туманимиздаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, туман тиббиёт бирлашмалари ва ФХДЭ бўлими билан ҳамкорликда "Соғлом оила — жамият таянчи", "Қизлар турмушга тайёрми?", "Тиббий маданият — саломатлик омили" каби бир

қатор мавзуларда жойларда давра суҳбатлари ўтказиш мунтазам йўлга қўйилди. Отаналар ва ёшлар иштирок этган бундай тадбирларда эрта турмуш қуриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш ва бола соғлиғи, фарзандларнинг эртанги тақдирини учун нақадар аҳамиятли эканлиги тушутирилди.

Шу билан бирга, ўз фаолиятимизни танқидий ўрганиш масаласи ҳам муҳим. Таҳлиллардан келиб чиқиб, Ғиждувон, Когон, Бухоро туманларидаги айрим БПТларда сиёсий маърифат тизимидаги ишларни кенгайтириш, фаолларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш каби масалаларга янада жиддийроқ қараш ҳақида кўрсатмалар берилди.

Вилоят партия кенгаши томонидан 2014 йил давомида туман ва шаҳарлар кесимида

БПТ раисларининг ташаббускорлиги ва масъулиятини қучайтиришга қаратилган амалий ишлар давом этмоқда. Ўз навбатида, туман ва шаҳар партия кенгашлари раисларининг БПТ билан ишлаш тажрибаси ва малакасини ошириш, намунали куйи бўғинлар тажрибасини оммалаштириш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Бухоро енгил саноат ва педагогика касб-хунар коллежида ташкил этилган "Адолат" СДП Бухоро шаҳар кенгашига қарашли "Саноатчи" бошланғич партия ташкилотининг сафларида 54 нафар, шунингдек, "Ғарбгазтаъминот" унитар корхонасида фаолият юритган бошланғич партия ташкилотиди 50 нафар, Вобкент туман стоматология поликлиникасидаги куйи бўғинда 32 нафар партия аъзолари бирлашган. Ушбу таянч ташкилотларнинг ибратли ишлари бош-

қа БПТларда катта қизиқиш уйғотаётгани бежиз эмас. Айни пайтда бу каби ташкилотларнинг илгор тажрибалари тизимда оммалашиб бормоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Бухоро вилояти кенгаши тизимидаги БПТ аъзолари жамиятда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда ўз иштирокини чуқур англаб, дастурий ғояларимиз тарғиботида катта қизиқиш билан қатнашмоқда, уларнинг ҳар бири кенг жамоатчилик эътиборини партиямизга жалб этишига интиляпти. Шу боис янги ғоя ва ташаббусларга эга бўлган фидойи кишилар атрофимизда тобора кўпроқ бирлашяпти.

Обид ЗИЁДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Бухоро вилояти кенгаши
матбуот котиби

➤ Ёшлар фаолияти

Бугун мамлакатимиз келажаги учун муносиб ҳисса қўшаётган ёшларимиз сафи кун сайин кенгайиб, улар ҳар жабҳада ўз салоҳиятларини яққол намоён этмоқдалар. Буни юртимиз довуғини дунёга танитаётган ёш иктидорлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ёшларимизни соғлом дунёқарашли ва юксак маънавиятли шахс сифатида камолга етказиш, уларнинг мафқуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида кенг қўлмали ишлар қилинмоқда.

Навқирон авлод биз билан бир сафда

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг ўз олдига қўйган мақсад-вазифалари негизда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини, сиёсий фаоллиги ва фуқаролик масъулиятини ошириш, уларни юртга садоқат руҳида тарбиялаш, ёш авлод камолоти ва улар салоҳиятини рўёбга чиқариш мақсадлари муҳим.

Бугунги кунда партиямизнинг Сирдарё вилояти кенгашида 5400 нафардан ортиқ аъзоларимиз орасидан 2160 нафардан зиёдини, яъни 40 фоизини жамиятимизнинг энг фаол қатлами бўлган ёшлар ташкил этади. Вилоят партия кенгаши томонидан олиб борилаётган тарғибот ишлари, билимдон ва иктидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошираётган сазой-ҳаракатлари ижобий самара бермоқда. Ўз навбатида, партиямиз сафларини тобора кенгайтираётган ёшлар мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, қўллаб муваффақиятларга эришяптилар.

Вилоят партия кенгаши аъзоси Д.Ҳолжигитова бу йил Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлганлиги, ёшларимиздан яна бири С.Райимжонова "Ҳамшира-2014" кўрик-танловининг республика босқичи ғолиблигини қўлга киритгани сўзимизнинг яққол далили бўла олади.

Йил давомида вилоят партия кенгаши томонидан ёшларнинг бандлигини таъминлаш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, чорвачилик, сартарошлик, тикувчиликка қизиқиши бўлган коллеж битирувчи ёшларимизнинг ўз фаолиятини бошлаши учун кредит олишларида партиямиз томонидан амалий кўмак берилди. Жумладан, Д.Собиржонова, А.Қодирова, У.Қодирқуллова сингари 22 нафардан ортиқ ёш тадбиркорларга тикувчилик фаолиятини йўлга қўйишлари мақсадида, Ю.Норматова, Н.Мақрецова,



С.Ғадойбоева, Ф.Намозбоева, Ш.Пайгамова, Г.Мамарасуллова, Ш.Юсуповаларга сартарошлик, Д.Анарқуллова, Д.Тошкенова, Ш.Мамадалиева, Д.Жўрабоева, М.Тожиқулвалар сингари 80 нафарга яқин ёшларимизга чорвачилик фаолиятини йўлга қўйишлари учун банк муассасаларидан зарур кредит олишларида ёрдам кўрсатилди.

Жорий йил давомида вилоят партия кенгашининг ёшлар билан ишлаш бўлими ташкилотчилигида Гулистон давлат университетиди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" хайрия жамғармаси ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда вилоятимиздаги маҳаллаларда, тиббиёт муассасаларида, бир қатор ташкилотларда Соглом бола йили муносабати билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз аъзолари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари, мутахассислар иштирокида ўтказилган семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишда, уларнинг маънан етук, замонавий кадрлар сифатида шаклланишларида муҳим омили бўлди, десак янглишмаймиз.

Бир сўз билан айтганда, 2014 йилда вилоят партия кенгаши томонидан ёшларнинг барча жабҳалардаги ислохотларда кенг ва фаол иштирокини таъминлаш, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдорлик туйғусини қучайтириш мақсадида муайян ишлар амалга оширилди. Шуниси эътиборлики, барча тадбирларда ёшларимиз катта қизиқиш билан иштирок этишмоқда.

Валижон ТҮЙЧИЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Сирдарё вилояти кенгаши
ёшлар билан ишлаш бўлими етакчиси

Хурматли тадбиркорлар ва аъзо ҳамюртлар!

«Global Savdo Fayz Vuxaga» МЧЖ объектининг бошланғич баҳоси охири бўлиб тартибда ўтказилган «Очиқ аукцион» савдоларига тақлиф этилди!

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда:
ДАСК «Узсагросуғурта» Навоий вилоят дирекцияси Хатирчи бўлимининг буюртма хатига асосан корхонага тегишли, давлат рақами 85/8821АА бўлган 2006 йилда ич «NEXIA» русумли автотранспорт воситаси Б/б — 4 850 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 27 январь кун соат 11:00 да бўлиб ўтди. Юқоридаги мулк 2015 йил 27 январдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2014 йилнинг 03-11 февраль кун соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қилдимиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашни учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилганда закат қилинган асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини «Global Savdo Fayz Vuxaga» МЧЖнинг Ҳақ банки Бухоро шаҳар амалиёт бўлимидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020800040501774001, МФО: 00116, ИНН: 302485226.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

«Global Savdo Fayz Vuxaga» МЧЖ Манзил: Бухоро ш. Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Телефон: (8365)221-54-43.

Гувоҳнома 0000292

АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

уларнинг маънавий-сиёсий дунёқарашларини кенгайтиришга боғлиқ

➤ "Адолат"нинг адолатли аёллари

Аёл — оила кўрки, жамият ҳаётида фаол ва фидойи. Ҳар биримизнинг қалбимизда Ватан меҳрини, эл-юртни қадрлаш туйғусини уйғотган, эртанги келажакимиз ворисларини чинакам ватанпарвар, мустақил мамлакатнинг билимдон ва мард фарзандлари қилиб ўстираётган оналар ҳар қанча эъзозга лойиқ.



Ўзбекистон "Адолат" СДП ва унинг ҳудудий ташкилотлари томонидан хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ва партия ишидаги фаоллигини ошириб бориш, ташаббускор аёлларни доим қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз салоҳиятини намоён этиши учун кўмаклашиш каби қатор хайрли ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Партиямизнинг Навбахор тумани кенгаши "Аёллар қаноти" етакчи ва фаоллари ташкилотчилигида ўтказилаётган тарғибот тадбирларида жамиятнинг турли жабҳаларида фаолият кўрсатаётган фидойи аёллар қаторида, оилада бола тарбияси ва уй ишлари билан машғул бўлаётган аёлларнинг маънавий ва сиёсий дунёқарашларини кенгайтириш, уларда жамият ҳаётига дахлдорлик туйғусини оширишга катта аҳамият берилаяпти. Партиямиз сафларини кенгай-

тиришда ҳам ижобий таъсирга эга бўлган бундай тадбирларда ташаббускорлик кўрсатаётган партиямизнинг фаол аёллари кўпчилигини ташкил этади. Бугунги кунда тиббиёт ва таълим тизимида минглаб маслакдош ва хайрихоҳларимиз меҳнат қилиб, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш, ёш авлоднинг жисмонан ва маънан соғлом вояга етиши, замонавий билимларни чуқур эгаллаши, баркамол бўлиб улғайишларида ўз хиссаларини қўшиб келмоқда.

Авалло, ўзининг қизгин фаолияти билан кўпчилиқда хавас уйғотган Умида Суярова ҳам фидойи партиядошларимиздан биридир. У 20 йилга яқин педагогик фаолияти давомида ёш авлодга таълим-тарбия бериш билан бирга, етук салоҳияти, интилувчанлиги туйғайли муваффақиятларга эришиб келмоқда. Ҳозирда тумандаги 8-

гаши томонидан ўтказилган анъанавий "Касаба-ТУР" ходимлар веломарафонининг республика босқичида аёллар ўртасида "Энг фаол пойғачи" номинацияси бўйича ғолиблигини қўлга киритди. Яқунлаётган йил партиядошимиз У.Суярова учун ана шундай чинакам ютуқлар йили бўлгани қувонарлидир. Унинг ташаббуси билан мактабда инглиз тили, стол тенниси, гимнастика тўғрисида ташкил этилган ўқувчилар ва ота-оналарнинг ҳам мамнун қилди.

— Партия фаоли ҳаётда кузатувчан ва синчков бўлиши, ҳар бир масалани ҳар томонлама таҳлил қила олиши, барча жиҳатларини илғай билиши лозим, — дейди У.Суярова. — Эътибор қилсангиз, оилада ўғил-қизлар ўз қизиқишлари ҳақида кўпроқ онаси билан маслаҳатлашади. Шунинг назарда тутиб, биз кўп вақтини фарзандларнинг тарбияси билан ўтказувчи уй бекаларининг маънавий-сиёсий дунёқарашини кенгайтиришга ҳам эътибор қаратишимиз лозим.

Албатта, сиёсий жиҳатдан етук, ижтимоий жараёнларда фаол бўлган хотин-қизларимиз кўпчилигини ташкил этади. Шу билан бирга, уй-рўзгор юмушларида банд бўлган аёлларнинг келажак авлод тарбияси ҳам масъул эканлиқларини эътибордан четда қолдирилмайди. Шу маънода уларни партиямиз сафларига қўшишга интиляётганимиз бежиз эмас. Бу борда маҳаллалар, хотин-қизлар кўмиталари ва бошқа ижтимоий шерикларимиз билан ҳамкорликни янада қучайтиришни олдимиизга мақсад қилиб қўйдик.

Садоқат ШАМСИЕВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Навоий
вилояти кенгаши матбуот котиби



Pharmed

хусусий корхонаси

жамоаси

**барча юрtdошларимизни
яқинлашиб келаётган
2015 — Кексаларни эъзозлаш йили
билан муборакбод этади!**

**Барчангизга сиҳат-саломатлик,
фаровонлик, қувонч, юрт тинчлиги
ва эл фаровонлиги йўлида амалга
ошираётган бунёдкорлик
ишларингизга ривож тилаймиз.**



UZBEK COMMODITY
EXCHANGE

Ўзбекистон товар-хомашё биржаси жамоаси

юртимиз аҳолиси ва меҳмонларини кириб келаётган янги 2015 йил билан табриклайди.



«Кексаларни эъзозлаш йили»да меҳнатсевар ва фидойи халқимизнинг барча эзгу ниятлари рўёбга чиқишини тилайди. Янги йил барчамиз учун қутлуғ келсин!

Xizmatlar litsenziyalangan

Reklama

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАК Бухоро минтақавий темир йўл узели жамоаси

барча юрtdошларимизни яқинлашиб келаётган Янги йил билан самимий муборакбод этади!

Янги – 2015 йилда меҳнатсевар халқимизга сиҳат-саломатлик, оилавий тинчлик, эзгу ва хайрли ишларнида улкан муборакбод тилайди.



Xizmatlar litsenziyalangan

ҲАР БИРИДА бир ҳикмат...

Мушоҳада

Бошқаларни билмадим-у, мен ёш болалар ва нуруний қариялар билан сўхбатлашишни хуш кўраман. Нега деганда, жажжи кичкинтойларнинг қалби гард юкмаган оппоқ қоғозга ўхшайди. Ўй-хаёллари, тасаввур олами тонгги шудрингдек беғубор. Улар билан дилдан тиллаша олсангиз бунинг гашти ўзгача. Беихтиёр ўша, унутилаёзган болалик дамларингизга қайтгандек бўласиз. Кундалик ғам-ташвишларингиз ариб, ўзингизни қуш мисоли енгил сезасиз.

Пиру бадавлат отахону онахонларимиз эса кўпни кўрган, не-не ҳаёт синовларини енгиб ўтган. Шу боис уларнинг ҳар бирини бир мактаб, десак муболага бўлмайди. Сўзларига кулоқ тутсангиз, йиллар мабодидан тўплаган тажрибаларидан сабоқ оласиз. Шунда дунёқарашингиз кенгайиб, фикрлашингиз янада теранлаша бошлайди. Нуруний қарияларимизнинг ақл-заковоти ёшларни тарбиялашда, оила ва маҳалла-қўйда тотувлик, осойишталикни таъминлашда ҳам бекиёс аҳамият касб этади.

Қишлоғимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, бир оёғини жанг майдонидан қолдириб қайтган Бобоназар бобо деган мўйсафид бўларди. Биз болалик кезларимизда у кишини орқаворатдан "Чўлоқ бобо", дер эдик. Буни баъзан салобати босиб, олдида айтиб юборган пайтимизда бирдан сергак тортиб, синиқ жилмайиб кўяқоларди.

Бобоназар бобо кўпинча уйи яқинидаги катта йўл четидан оқиб ўтувчи ариқ ёқасида ёнига икки хассасини кўйганча ўтган-кетгани кузатиб, уларнинг саломига алик олиб, гоҳида эса чўқур хаёлга чўмиб ўтирарди.

Айтишларича, бобо уруш ҳақида гапириб беришни хушламак, мабодо бирон даврада шу мавзу очилиб қолса, "Юрагимни тирнаб нима қиласизлар? Урушнинг номи ўчсин!", деб қўл силтар экан.

Биз, ўйинқароқ болалар иложи борица Бобоназар бобога рўпара келишдан қочиб юрардик. Бунинг сабаби шундаки, бекорчиликдан кўча чангитган ёки бошқа ноҳўя хатти-ҳаракат қилганимизни кўриб қолса, бобо ёнига чақириб оларди-да, исимимизни, кимнинг фарзанди эканимизни, мактабда нечанчи синфда ўқишимизни эринмасдан сўрарди. Сўнгра панд-насихатга ўтарди. Билими бўлишимиз учун фақат мактабда эмас, уйда ҳам китоб ўқишимиз кераклиги, бўш вақтларда эса бирон фойдали иш билан шуғулланиб, ота-онамизга, ака-опаларимизга кўмаклашиш борасида маслаҳат берарди. Албатта, "хўп-хўп", дер эдик.

Қишлоғимиз тепа қисмида бир серсув булоқ бор. Одатда, мен ҳар кун эрталаб ёки кечки пайт қўлимга икки сатил кўтариб, ўша булоқдан сув олиб келардим. Ука ва сингилларим ҳали мактабга ҳам боришмаган, оилада тўнғич фарзанд бўлганим учун уй юмушларида отамга ҳам, онамга ҳам яқиндан ёрдамлашиш менинг зиммамга юклатилганди.

Бир кун нима бўлди-ю, булоққа бораётиб Бобоназар бобога салом бермай ўтиб кетибман. Атай ортга қайтишимни кўтиб ўтирган экан, ёнига чақирди. Ўтқир нигоҳини менга қадаб сўради:

— Кимнинг ўғлисан?
Шундагина айб иш қилиб қўйганимни сезиб, бошимни

қуйи эгдим. Тутила-тутила отамнинг исмини, нечанчи синфда ўқийганимни айтдим.
— Туппа-тузук одамнинг ўғли экансан, — деди Бобоназар бобо ўсмоқчилаб. — Узинг ҳам катта йигит бўлиб қолисан. Бу томонлари яхши. Фақат салом бермай ўтиб кетганинг чатоқ. Ёки ота-онанг, мактабда муаллимнинг ўзингдан каттага салом бер, деб ўргатишмаганми?

Ўша кун аксига олгандай тўрт-беш марта булоққа бориб қолсам, бобо ёнига чақириб оларди-да, исимимизни, кимнинг фарзанди эканимизни, мактабда нечанчи синфда ўқишимизни эринмасдан сўрарди. Сўнгра панд-насихатга ўтарди. Билими бўлишимиз учун фақат мактабда эмас, уйда ҳам китоб ўқишимиз кераклиги, бўш вақтларда эса бирон фойдали иш билан шуғулланиб, ота-онамизга, ака-опаларимизга кўмаклашиш борасида маслаҳат берарди. Албатта, "хўп-хўп", дер эдик.

Манга шу воқеа ҳали-ҳамон кўз олдимдан кетмайди. Кўча-қўйда ёши каттароқ кишини учратиш қолсам, алик олсам-олларим ҳамон бермай ўтаман. Шунда Чўлоқ бобо менга тикилиб тургандай, "Баракалла, набирам" деяётгандай бўлади.

Расул отаникига тез-тез хол-аҳвол сўрагани бориб тураман. Қизларини тағли-туғли жойларга узатган. Чол-кампири ўғли ва келини билан бирга яшайди. Бу хонадондаги тартиб, озодликка ҳавас қиламан. Расул ота эрта тонгда бомдодга туради. Ибодатдан сўнг ҳовлига чиқиб ёлғондакам бир-икки томоқ қиради. Хиёл

ўтмай келини кўринади. У сув селиб, ҳовлини супуриб-сидиради. Ўғли ҳам нима билан-дир андармон бўлади. Нонушта пайти аввал ўғли ва келини, кейин эса бирин-кетин неваралари кириб келишади. Дастурхон атрофида барча оила аъзолари тўпланишади. Лекин отадан олдин ҳеч ким дастурхонга қўл чўзмайди. Ҳатто тўполончи неваралари ҳам бу қоидадан бузишмайди. Нонуштадан сўнг ота қўлини очиб, дуо қилади. Ўғил ва келин ишга, набиралар мактаб, боғчага кетишади...

Бир кун Расул отаникига борсам, хомуш ўтирган экан. — Негадир кайфиятингиз йўроқ кўринади? — деб сўрадим.

— Ким билсан, негадир кечалари уйку қочаяпти. Дўхтирга боргандим, — отахон кулимсирлади, — касалмасиз, дейишди. Тўғри, ҳали белимизда қўқувват бор. Лекин ёшим ҳам саксонга яқинлашиб қолди. Шукр, ўтган умримдан нолимайман. Муҳими, болаларимни одобли, меҳнатсевар, хушмуомалали қилиб тарбияладим. Улар бир-бирига меҳроқибатли. Лекин... кейин ҳам шундай бўп қолишармикин, ёки?.. Кексайганда хаёл ҳар нарсага кетавераркан-да. Бир ҳикоят эшитганман, шунинг учун айтиб берайин, балки шунда менинг аҳволимни тушунарсан, — Расул ота бирпас хаёлга ботиб, гапида давом этди: — Бир кишининг яққа-ю ёлғиз ўғли бор экан. Наслининг бошқа давомчиси бўлмагани сабабли, уни худди тишининг қавагида асрагандек авайлаб вояга етказибди. Худодан тилаб олган фарзандида, айтгани-айтган, дегани-деган экан. Нимани истаса ўзи ёб, ичмаса ҳам унга муҳайё

қиларкан.

Йиллар ўтиб бола улғайибди. Саёқ юрадиган одат чиқарибди. Ота бундан хавотирга тушибди, албатта. Ўғлига панд-насихат қилиб кўрибди, фойдаси бўлмабди. Дўк урибди, наф чиқмабди, ўғил ўз билганидан қолмабди. Ўтганининг ўроғини, кетганининг кетмонини оладиган бўлибди. Хуллас, ўғлининг дастидан маҳалла-қўй олдида ота боши эглиб қолибди. Бирон чора кўришга ожиз. Бўй-баста бариб рабар ўғлини уриб йўлга солишининг имкони йўқ. Нобакор ўғил борган сари хаддидан ошаверибди. Уйлантириб қўйганидан кейин ҳам унга ақл кирмабди. Улфатлари билан кунини ўтказиб, хотин, болачақаси ва отасининг холидан хабар олмай қўйибди. Ҳам отани бевақт тўшака ётқизибди. Бир кун ўғлини ёнига чақириб, васият қилибди:

— Мана, ўғлим, менинг ҳам куним битиб қолди. Яхши бўл, дедим бўлмадинг, саёқ юрма дедим, айтганимни қилмадинг. Яна бир йўлаб кўр, болам, бу юришингда ҳадемай бор йўқдан-терганимни тугатасан. Улфатларинг ҳам кунинга ярамай қолади. Ушанда сеннинг авхалингни кўриб, қабримда тик тураман. Аммо бири ёрдамим тегмаслиги аниқ, Гапларимни яхшилаб ўйлагин, болам. Жуда ноилоҳ қолганинда, бирон чора кўришга ҳеч бир имконинг бўлмаганида, боғ четидаги эски иморатнинг ичига кир-да, ўнг тарафдаги учинчи хомага ўзингни ос. Бу менинг сенга сўнгги васиятим.

Нобакор ўғил отам алаҳсирапти, деган хаёлга бориб, гапларига эътибор бермабди. Марҳумнинг жанозаси ўтказилганидан сўнг ўғил яна эски

қилиқларини давом эттираверибди. Оқибатда худди отаси айтган аҳволга тушиб қолибди. Ошналари ундан юз ўгирибди. Олган қарзини эгалари сўраб, ҳар кун эшигини тақиллатиб келаверибди. Қарзни тўлашга эса ҳеч вақоси йўқ экан. Ҳам-қайғуга ботибди. Уйлаб-уйлаб бирон чора тополмабди. Шунда... Хаёлига ярк этиб отасининг васияти келибди. Дунёда суянадиган кишини қолмаганига амин бўлиб, отаси айтган иморатга кириб, васиятда айтилган учинчи хомага арқонни боғлабди.

Шунда... ўлим уни четлаб ўтибди. Хома арралаб қўйилган экан. Синиб кетибди. Йигит алам билан ўрнидан туришга чоғланган маҳал бошидан тилла тангалар қўйилибди. Отаси хоҳадиган ичига анчагина бойлик яшириб кетган экан. Ўғлининг экан. Жонига қасд қилмоқчи бўлган ўғлининг кўзи мошдек очилиб, шу кундан бошлаб тўғри яшашга аҳд қилибди...

— Жуда ибратли ҳикоят экан, — дедим таъсирланиб. Расул ота деразадан ташқарига, япроқлари тўкилиб битаёзган даракларга ўйчан кўз тикиб деди:

— Агар ота ўлими олдида барча бойликларини берганида ўғли нобакор уларни ҳам харжлаб юборган бўларди. Ана шунақа, қиссадан ҳисса шуки ота-оналар у дунёда ортида қолган болаларини ўйлайди...

Яқинда қишлоққа борганимда ёши саксондан ошган Яхшигул момони кўриб, дуосини олиб кетай, деб ҳовлисига кирдим. Сўхбат асосида гап мавзуси айланиб йўлга бурилганида момонинг авзойи бузилди:

— Қишлоғимизда ҳашаматли коллеж қурилди? Қурилди. Газ этиб келдимми? Келди. Янги бозор очилди. Энди бурунгидай ҳеч ким 40-50 чақирим йўл босиб, рўзгорига бозор-ўчар қилиш учун шаҳарга тушмайди. Айтганларим тўғри бўлса, энди мана шу йўлни ҳам

ҳукумат тузатиб берсинми? — дея момо атай овозини баландлатди. — Ўғилларимга айтдим, биринг тадбиркор, биринг фермер, яна биринг амалдорман, деб мактанасан. Мошина десанг мошининг, ҳовли десанг ҳовлинг бор. Лекин элга қайишай, демайсан. Катта йўл ўйлиб ётибди. Одам ул овда юришга озорланмади. Узоқ-яқиндан келган меҳмон устимиздан қулиб кетади. Хўш, йўлни ким тузатиши керак? Бу ёқда мол-давлатинг бўлса-ю, одамнинг қараб ўтириши инсофданми? Қани энди, бешовинг бир ёқадан бош чиқарсанг, савобга қоласан, дедим. Улар кўкрак кериб чиқса, бошқалар ҳам қараб турмайди, ҳар ким баҳога қудрат йўлни созлашга ўз ҳиссасини қўшади-да...

Ёши бир жойга борган кампир йўл ҳақида қайғуриб, шу боис ўғилларидан аччиқланаётганидан мен жуда таъсирландим. Тўғри-да, текис-равон йўл ҳам эл ободлигининг бир белгиси. Четдан келган меҳмон биринчи навбатда йўлга эътибор қаратиб, кейин шу теварак-атрофда яшаётган аҳолининг турмуш тарзига баҳо беради. Ажаблаларли томони, йўлни таъмирлатишга имкони етарли кишилар, биланга кўчи бор йигитлар у ёқда қолиб, бу ҳақда ёши саксондан ошган кампир — Яхшигул момо жон қойтса...

Бугун биз қайси касб эгаси бўлмайлик, қайси соҳада фаолият олиб бормайлик, эришаркан ютуқларимизда ота-онамизнинг, устоз мураббийларимиз, мўтабар қарияларимизнинг ҳам ҳиссалари борлигини доим ёдда сақлаймиз. Орамизда Бобоназар бобо, Расул ота ва Яхшигул момога ўхшаган жонқуяр, маслаҳатгўй нуруний отахону онахонларимиз момонинг авзойи бузилди: — Қишлоғимизда ҳашаматли коллеж қурилди? Қурилди. Газ этиб келдимми? Келди. Янги бозор очилди. Энди бурунгидай ҳеч ким 40-50 чақирим йўл босиб, рўзгорига бозор-ўчар қилиш учун шаҳарга тушмайди. Айтганларим тўғри бўлса, энди мана шу йўлни ҳам

Суюндик МАМИРОВ,

«Adolat» мухбири

Солиқ тизими ва АКТ: замонавий, қулай, самарали ва фойдали

Интерактив хизматлар

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари бугунги кунда барча соҳаларда бўлгани каби солиқ тизимида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада Давлат солиқ қўмитаси томонидан жорий этилган расмий www.soliq.uz сайти орқали солиқ тўловчи юридик ва jisмоний шахсларга кенг қўламдаги электрон ахборот ҳамда хизматларнинг тақдим этилиши республикамиздаги юридик ва jisмоний шахслар учун қулай имкониятлардан бири бўлмоқда.

Кўрсатилаётган интерактив хизматларнинг аҳамиятисини шуки, эндиликда солиқ тўловчиларни рўйхатдан ўтказиш, фуқаролар муурожаатларини қабул қилиш, СТИРни аниқлаш, солиқ текшируви натижалари билан танишиш учун солиқ идораларига боришга ҳожат қолмади. Негаки, солиқ тўловчи ўз ишхонасида ёки уйда туриб, Давлат солиқ қўмитаси расмий сайтыга кирган ҳолда, ана шу хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси буйича 67992 та интерактив хизматлардан фойдаланувчилар томонидан таширлар амалга оширилган.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида «Электрон солиқ ҳисоботлари», «Юридик шахсларнинг бюджет билан ҳисоб-китоблари», «Jисмоний шахсларнинг бюджет билан ҳисоб-китоблари», «Текширишлар режа жадвалидан кўчирма олиш», «Электрон солиқ декларациялари», «Jисмоний шахсларнинг шахсий кабинети», «Солиқ тўловчиларнинг SMS сўровига кўра ахборотлар тақдим этиш», «Фуқаролар муурожаатлари», «СТИРингизни аниқлаш», «Электрон калькулятор» ва бошқа бир қатор интерактив хизматларидан самарали фойдаланиб келинмоқда.

Президентимиз томонидан 2012 йил 16 июлда қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рўхсат бериш тартиб-таъминларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонда 2014 йилнинг охирига қадар барча тад-

биркорлик субъектлари статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботларини топширишининг электрон тизимига тўла ҳажмда босқичма-босқич ўтказилишини таъминлаш вазифаси юклатилган. Шунингдек, Президентимизнинг 2014 йил 15 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ шу йилнинг 1 октябриддан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталида, жумладан, молия, солиқ ҳисоботларини интерактив расмийлаштириш ва тақдим этиш хизматидан фойдаланиш жорий этилди. Бу, албатта, солиқ тўловчилар учун яна бир катта имкониятдир.

Қорақалпоғистон Республикаси буйича 98,9 фоиз юридик шахсларнинг солиқ ҳисоботлари электрон тарзда қабул қилинганлиги ҳам бу борада етарли даражада ишлар йўлга қўйилганидан дарак беради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, солиқ органларининг бундан кейинги фаолиятини замонавий ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Демак, соҳада илгор технологияларга асосланган интерактив хизматларнинг жорий қилиниши ва улар сонининг тобора ортиб бориши тадбиркорлик субъектлари вакилларига янада кенг имконият ва қулайликлар яратади.

п. ДАЎЕНОВ,

Қорақалпоғистон Республикаси
Давлат солиқ бошқармаси
бўлим бошлиғи

IPOTEKA BANK

Ҳурматли юртдошлар!

Сизларни Янги йил байрами билан қутлаймиз!

Юрт тинчлиги ва эл фаровонлиги йўлида амалга ошираётган бунёдкорлик ишларингизга ривож тилаймиз.

Reklama

Xizmatlar litsenziyalangan

ВАТАН – УЛУҒ, бурчим муқаддас

Давоми. Бошқ 1-бетда

Жамоатчилик кенгаши раиси И.Мирзаалиев, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, Мудофаа вазирлигининг давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўлими бошлиғи, подполковник М.Абилов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армияни шакллантириш бўйича кенг қўлмалли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 9 декабрдаги Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги фармойишига мувофиқ мамлакатимизнинг барча ҳудудда ушбу са-



нага бағишлаб "Ватан — улуг, бурчим муқаддас" шиори остида маънавий-маърифий, маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан Жамоатчилик кенгаши аъзолари, таниқли фан арбоблари, ижодкорлар, маданият, спорт соҳаси вакиллари-дан иборат тарғибот-ташвиқот гуруҳлари томонидан ҳам ҳарбий қисм ва муассасаларда, юрт тинчлигини сақлаш йўлида фидойилик кўрсатаётган ҳарбий хизматчилар билан маҳаллалар, корхоналар ва таълим муассасалари-

да учрашувлар ўтказиш режалаштирилган.

Тадбирда мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги иштироки йилдан-йилга кучайиб бораётгани қайд этилди. Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши халқ ва армияни боғловчи муҳим бўғин бўлиб хизмат қилаётгани бунинг далилидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Респуб-

ликаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ жорий йилда Жамоатчилик кенгаши томонидан олий ҳарбий таълим муассасалари ва ҳарбий қисмларда қўллаб-қувватлаш, давра суҳбатлари ўтказилди. Бу тадбирлар бўлиналар ва ҳарбий қисмларда соғлом маънавий муҳитни таъминлаш, Мудофаа вазирлигининг бу борадаги фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари жойларда бў-

либ, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший ва хизмат шароитларини яхшилашга қаратилган давлат дастурлари ижроси билан танишди. Чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлар ўтказилди.

Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, йигит-қизларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, ҳарбий-спорт машғулотларини ташкил этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Тадбирда Жамоатчилик кенгашининг келгусидаги вазифалари ҳақида ҳам батафсил сўз юритилди. Хусусан, ҳарбий хизматчиларда юксак маънавият ва маданиятни шакллантириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳарбий хизматнинг нуфузини юксалтиришга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар ва учрашувлар ташкил этиш каби ишлар режага киритилди.

З.ЖОНИБЕКОВ,
ЎзА муҳбири

«Ўзбектелеком» АК
Тошкент шаҳар телефон тармоғи
филиали жамоаси

**Ҳамюртларимизни,
пойтахтимиз аҳли ва
меҳмонларини
Янги йил байрами билан
чин дилдан табриклайди!**

**Азиз юрташларимизнинг она
Ватанимиз тараққиёти йўлидаги
эзгу ишларида омадлар тилайди.**

Xizmatlar litsenziyalangan




«Водийгазтаъминот» УК жамоаси

**мамлакатимиз аҳолисини яқинлашиб келаётган
Янги йил байрами билан самимий муборакбод этади.**

Ҳар бир оилага тинчлик-хотиржамлик, файз-барака тилайди.

**Янги — 2015 йилда Ватанимиз тараққий этиб,
равнақ топаверсин. Юртимиз тинч,
осмонимиз ҳамisha мусаффо бўлсин.**



Огоҳлик

Дунё бўйлаб кўнгилочар ва бошқа маиший мақсадларда ишлатиладиган пиротехника буюмларидан фойдаланиш кўламнинг ортиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, Янги йил кириб келиши олдида пиротехника воситаларининг ноқонуний олиб ўтилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар кўпаяди. Бу эса ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигига жиддий хавф туғилишига олиб келиши мумкин.

Хукуматимиз томонидан республика ҳудудига пиротехника воситалари ноқонуний олиб кирилиши ва айланishi олдини олиш, шунингдек, оммавий-маданий тадбирлар ўтказилишида хавфсизликни таъминлаш борасида белги-ланган вазифалар ижроси юзасидан божхона органлари томонидан муайян ва мақсадли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Пиротехника буюмлари муомаласи тартибига солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуни ижроси Давлат божхона кўмитасининг барча ҳудудий тузилмалари томонидан алоҳида назоратга олинди.

Мазкур қонун пиротехника буюмлари муомаласи бўйича самарали давлат назорати ўрнатилишида, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга, хусусан, уларнинг саломатликлари ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси қуйидаги 185-модда билан тўлдирилди.


Яъни, пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди

шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш ҳуқуқбузарлик ашёларини му-содара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси қуйидаги 250-модда билан тўлдирилди: "Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикаси-



га олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш:

- а) кўп миқдорда;
 - б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;
 - в) такроран ёки хавfli ре-цидивист томонидан;
 - г) мансаб мавқеини суиис-тёъмол қилиш йўли билан со-дир этилган бўлса;
 - д) баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига са-баб бўлса, —
- энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз ба-раваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч

Пиротехника — ўйинчоқ эмас!



йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

- Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш:
 - а) жуда кўп миқдорда;
 - б) уюлган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса;
 - в) одам ўлишига сабаб бўлса, —
- беш йилдан саккиз йилгача

озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

- Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш:
 - а) одамлар ўлимига;
 - б) бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, —
- саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.
- Шунингдек, Олий Мажлис

томонидан 2001 йил 12 майда тасдиқланган "Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати"га пиротехника буюмларини (ҳарбий мақсаддаги маҳсулотлардан ташқари) яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилиза-ция қилиш билан боғлиқ фао-лият ҳам киритилди.

Пиротехника буюмларининг ноқонуний муомаласи юзасидан маъмурий ва жиноий жа-вобгарликнинг кучайтирилиши бу борада божхона органлари зиммасидаги масъулиятни янада оширади.

Олиб борилган чора-тад-бирлар самараси ўларок, жо-рий йилнинг ўтган даври мо-байнида божхона ходимла-ри томонидан пиротехника бу-юмларининг қонунга хилоф му-омаласи билан боғлиқ 77 та қонунбузарлик ҳолати аниқлан-ган бўлиб, натижада салкам 416 минг донадан ортиқ пи-ротехника воситаларининг но-қонуний равишда олиб ўтили-шининг олди олинди.

Жумладан, Самарқанд вилоя-ти божхона бошқармаси ходим-лари муқаддам ноқонуний йўллар

билан кичик туркумларда олиб келиниб, жамланган йирик миқ-дордаги пиротехника буюмлари-нинг яширин равишда сақлана-ётганини фош қилишди.

Дастлаб самарқандлик фу-қаро У.Ҳамидов (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгарти-рилган) бошқарувидаги "Ма-тиз" автомашинаси ўрнатилган тартибда кўздан ке-чирилган-да, унда ҳамшаҳри Ш.Низо-миддинов томонидан 6 дона пиротехника воситалари ноқо-нуний равишда олиб кетила-ётганлиги аниқланди.

Мазкур ҳуқуқбузарликни ил-дизи билан баргараф этиш мақсадида тезкор тадбир да-вом эттирилиб, ушбу пиротех-ника воситаларини сотган фу-қаро М.Толипованиннг хонадо-ни участка нозири ва холис-лар иштирокида амалдаги тартибларга мувофиқ кўздан ке-чирилганда, хонадон ертў-ласидаги полиетилен қопла-ва қоғоз қутиларда 11 турда-ги салкам 89 минг дона пи-ротехника воситалари яши-ринча сақланаётганлиги фош қилинди. Аниқланишича, маз-кур пиротехника воситалари-нинг оғирлиги 770 кг.дан, қий-мати эса 37 млн. сўмдан ор-тар экан.

Шу ўринда пиротехника воситаларининг ноқонуний олиб ўти-лишига оид ва бошқа божхона қонунбузарликлари юзасидан Давлат божхона кўмитасининг **Ишонч телефони — 120-76-27** рақамига кўнгироқ қилишингизни сўраймиз. Худудий божхона бошқармалари ишонч телефонларининг тўлиқ рўйхатини эса www.customs.uz сайтдан олишингиз мумкин. Унутманг, бу би-лан Сиз Янги йил арафасида ўзингиз, оилангиз ва юртдошларимиз саломатлиги ҳамда хотиржамлигини таъминлашга ҳисса қўшган бўласиз.

Давлат божхона кўмитаси
Ахборот хизмати



Юк ташувчи «БОИНГ»нинг дастлабки парвози

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг йўловчи ташишдан юк ташишга қайта жиҳозланган Boeing-767-300BCF самолёти Урумчи-Тошкент йўналиши бўйлаб дастлабки парвозни амалга оширди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси халқаро авиа ва юк ташиш бозорига мустақам ўринни эгаллаб турибди. Ҳаво кемалари паркни модернизация қилиниб, Фарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш бўйича замонавий база яратилди, аэропортлар реконструкция қилиниб, Ўзбекистон ҳудудида навигация тизими так-миллаштирилди.

Яқинда миллий авиа-компаниямиз юк ташиш учун қайта жиҳозланган иккита Boeing-767-300BCF ҳаво кемасига эга бўлди. Улардан бири бортида қарийб 50 тонна юк билан Урумчи-Тошкент йўналиши бўйлаб дастлабки парвоз-ни амалга оширди. Яқин

вақт ичида иккинчи лайнер ҳам ўз фаолиятини бош-лайди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпания-сидан олинган маълумот-ларга кўра, ушбу юк та-шиш самолётларида чар-тер рейслардан ташқари «Навий» халқаро аэро-портидан Дубай, Тянь-Цзинь, Франкфурт, Дехли ва бошқа шаҳарларга ҳафтасига ўртача 13 марта ҳаво қатновини амалга ошириш режалаштирил-моқда. 53 тоннага қадар юк ташиш қувватига эга ушбу ҳаво кемаларининг шовқин чиқариш бўйича тўртинчи даража сертифи-катга эгалиги (Stage 4 Noise Level) уларга тунги вақтда учиб чекланган аэропортларда ҳам учиш-кўниш имконини беради.

Иккита «Боинг» ҳаво кемасини юк ташийдиган Boeing-767-300BCF само-лётга қайта жиҳозлаш лойиҳаси мамлакатимиз ҳукумати кўмағида амалга оширилди. Лойиҳаниннг мақсади халқаро талаб ва стандартларга жавоб берадиган замонавий юк ташиш самолётлари пар-кини ташкил этиш, «Навий» аэропорти базасида халқаро интермодаль логистика марказини ривожлантириш, миллий авиакомпаниямизнинг юк ташиш ҳажмини ошириш-дир.

Миллий авиакомпания-миз «Боинг» лайнерлари-дан 1996 йилдан буён муваффақиятли фойдала-яна иккита Boeing-787 Dreamliner етказиб берила-ди.

М.МАМЕТОВА,
УзА муҳбири

"BUKHORO GLOBAL REALTOR" МЧЖ очик танловга таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро шаҳар ҳокимининг 2014 йил 24 декабрдаги №1927, №1928, №1929, №1930, №1931, №1932, №1933 ҳамда №1934-сонли қарорларига асосан юридик ва жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолияти-ни амалга ошириш учун қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқлари танлов савдоларига қўйилмоқда:

1. Бухоро шаҳар Обод кўчаси ҳудудидан "Тикувчилик цехи би-носи" қуриш учун ажратилган 350,0 кв.метрдан иборат ер участ-касининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. *Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 332857 сўм.*
2. Бухоро шаҳар Обод кўчаси ҳудудидан "Нон ва нон маҳсулот-лари ишлаб чиқариш биноси" қуриш учун ажратилган 350,0 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. *Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 332857 сўм.*
3. Бухоро шаҳар Обод кўчаси ҳудудидан "Маиший хизмат кўрс-атиш мажмуаси биноси" қуриш учун ажратилган 350,0 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. *Ер участ-касига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 332857 сўм.*
4. Бухоро шаҳар Обод кўчаси ҳудудидан "Ўзиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари қалоклаш цехи биноси" қуриш учун ажра-тилган 350,0 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойда-ланиш ҳуқуқи. *Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қийма-ти — 332857 сўм.*
5. Бухоро шаҳар Обод кўчаси ҳудудидан "Нон ва нон ҳамда қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш биноси" қуриш учун ажратилган 300,0 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фой-даланиш ҳуқуқи. *Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қий-мати — 285306 сўм.*
6. Бухоро шаҳар Обод кўчаси ҳудудидан "Маиший хизмат кўрс-атиш мажмуаси биноси" қуриш учун ажратилган 300,0 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. *Ер участ-касига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 285306 сўм.*
7. Бухоро шаҳар Обод кўчаси ҳудудидан "Ўзиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари қалоклаш цехи биноси" қуриш учун ажра-тилган 300,0 кв.метрдан иборат ер участкасининг доимий фойда-ланиш ҳуқуқи. *Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қийма-ти — 285306 сўм.*
8. Бухоро шаҳар Саноатчилар кўчаси ҳудудидан кичик саноат зоналари ташкил этиш учун ажратилган 1850,0 кв.метрдан иборат 1 та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. *Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 1566987 сўм.*
9. Бухоро шаҳар Саноатчилар кўчаси ҳудудидан кичик саноат зоналари ташкил этиш учун ажратилган 2018,0 кв.метрдан иборат 1 та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. *Ер участкаси-га бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 1709286 сўм.*
10. Бухоро шаҳар Саноатчилар кўчаси ҳудудидан кичик саноат зоналари ташкил этиш учун ажратилган 2492,0 кв.метрдан иборат 1 та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. *Ер участкаси-га бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 2110773 сўм.*
11. Бухоро шаҳар Саноатчилар кўчаси ҳудудидан кичик саноат зоналари ташкил этиш учун ажратилган 1911,0 кв.метрдан иборат 2 та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. *Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 1618655 сўм.*
12. Бухоро шаҳар Саноатчилар кўчаси ҳудудидан кичик саноат зоналари ташкил этиш учун ажратилган 2362,0 кв.метрдан иборат 1 та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. *Ер участкаси-га бўлган ҳуқуқнинг бошланғич қиймати — 2000661 сўм.*

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бухоро шаҳар архитекту-ра бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асо-сида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни

бажариш танлов голиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғри-сида шартнома тузилган кундан бошлаб 12 ой муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомал-ларни матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб, расмий иш ку-налари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача (тушлик вақти 13:00 дан 14:00 гача) қабул қилинади ва 2015 йил 30 январь кuni соат 18:00 да тўхтатилади. Танлов қат-нашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро ша-ҳар ҳокимлиги биносига 2015 йил 02 февраль кuni соат 11:00 да очилади, 2015 йил 02 февраль кuni соат 15:00 да мазкур ҳокимлик биносига танлов голиби аниқланади. Комиссия томонидан тан-лов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов голи-би деб топилади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2015 йил 2 февралдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2015 йилнинг 9 февраль кuni соат 12:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларини қабул қилиш 2015 йил 6 февраль соат 18:00 да тўхтатилади. Такрорий танлов қатнаш-чиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносига 2015 йил 9 февраль кuni соат 11:00 да очила-ди, соат 15:00 да мазкур ҳокимлик биносига танлов голиби аниқ-ланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов таш-килотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчи-сига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилин-ган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғриси-даги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахси-ни тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашини учун қонун ҳужжатларида белгиланган тар-тибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифа-тида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколат-ли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайди-ган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатлари-да белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўла-нганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;
- танлов ҳужжатлари талабгарга мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифла-ри.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва вако-латли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ташкилотчиси — "BUKHORO GLOBAL REALTOR" МЧЖ. Манзили: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй.
Тел: (+99893) 960-69-00, факс: (0365) 221-54-43.
электрон почта: www.bgr.gl.uz. Лицензия № RL 0171.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманомана бери-лишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қиймати-нинг 10 фоизи миқдоридаги закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномادا кўрсатилган қуйидаги банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

ДТ "Халк банк" Бухоро филиали, х/р: 20208000600251607001, МФО 00116, СИТР 302668377.



Ҳурматли
юртдошлар!

«Асака» банк

жамоаси Сизларни Янги йил байрами билан табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«ЯНГИ ЙИЛ — 2015»

Ушбу омонатнинг сақлаш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий ва хорижий валюталардаги қулай шартларда 90 дан ортиқ омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.



Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банкларгаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- » солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- » маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- » эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- » миқдори чекланмаган!

«Асака» банк — сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

www.asakabank.com

Xizmatlar litsenziyalangan

Филиаллар

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Наманган вилоят филиали	369	226-91-45
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Навоий вилоят филиали	436	770-24-09
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Зарафшон филиали	436	573-18-75
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Бухоро вилоят филиали	365	223-70-05
Сирғали филиали	371	257-44-10
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	298-02-10
Афросиёб филиали	366	221-75-40
Асака филиали	374	233-15-68
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-56
Марғилон филиали	373	237-62-23
Хоразм вилоят филиали	362	226-96-03
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

«Ўзтрансгаз»

акциядорлик компанияси

«Шимолгазтаъминот»

унитар корхонаси

жамоаси

барча юртдошларимизни
яқинлашиб келаётган
Янги йил байрами билан
қизгин муборакбод этади.

Янги — 2015 йилда
меҳнатсевар,
фидойи халқимизнинг
барча эзгу ниятлари
рўёбга чиқишини тилайди.
Жонажон Ватанимиз
тараққий этиб,
равнақ топаверсин.
Юртимиз тинч,
осмонимиз ҳамиша
мусаффо бўлсин.

Янги йил айёми барчангизга
шоду хуррамлик олиб келсин!



Xizmatlar litsenziyalangan

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти жамоаси

бунёдкор халқимизни кириб келаётган
Янги йил айёми билан самимий муборакбод этади.

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йилида
барча юртдошларимизга мустақкам соғлиқ,
узоқ умр, сиҳат-саломатлик, юртимиз
тараққиёти, халқимиз фаровонлиги йўлидаги
эзгу нишларида омад тилайди.

Янги йил барчангизга шоду хуррамлик олиб келсин.
Бетакрор юртимизнинг довуғи ошаверсин!

Янги йил байрамингиз
муборак бўлсин,
азиз юртдошлар!

Xizmatlar litsenziyalangan

МУАССИС:

Бош муҳаррир: Ислоҳ ҚАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА
Наримон УМАРОВ
Собир ТУРСУНОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Зухра БОТИРОВА

Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ
Қодир ЖУРАЕВ
Муҳаммад АЛИ
Талъат МУРОДОВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Алишер МУМИНОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-46-64 (146);
Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс;
Котибият — 288-46-64 (144).

Навбатчи муҳаррир — Рустамжон Аҳмадалиев
Навбатчи — Фуломжон Хидиров

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
Таҳририят манзили: 100043,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани
«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.
info@adolatgz.uz / adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилади. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қороз биниси А-2. Ҳажми — 5 босма табоқ. Офсет усулида босилади. Буюртма Г — 1200. Адади — 7315. Босишга топшириш вақти — 21.30. Босишга топширилади — 23.15. Баҳорчи келишидан нарҳда

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2093-5237



1 2 3 4 5



Ўзбекистон «Адолат» СДП
Сийёсий Кенгаши